

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 10 октябрь, № 213 (7715) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТУРКМАНИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВОҚЕАЛАР ЮЗАСИДАН ҚЎШМА БАЁНОТИ

Қардош Қирғизистонда содир бўлаётган воқеалар бизни жиддий ташвишга солмоқда.

Кўп асрлик дўстлик риштaлари, яхши қўшничилик, умумий маданий ва маънавий қадриятлар билан боғланган яқин қўшнилар сифатида биз ушбу қийин кунларда Қирғизистон халқини мамлакатда тинчликни сақлаш ва барқарорликни тиклаш учун ўзига хос бўлган доноликни намоён этишга чақирамиз.

Қирғизистоннинг барча сиёсий партиялари ва жамоатчилик доиралари тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, Конституция ва миллий қонунчиликка сўзсиз риоя этиш билан юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган саъй-ҳаракатларни амалга оширишига умид билдирамиз.

Қирғизистоннинг равнақи минтақавий хавфсизлик ва бутун Марказий Осиё барқарор ривожланишининг муҳим омилидир.

Мамлакатларимизнинг ўтмиши бир, улар умумий келажакни барпо этмоқда. Марказий Осиё халқларини тарихий жиҳатдан келажак авлодлар фаровонлиги учун барқарор тинчлик, тотувлик ва бунёдкорлик истаги бирлаштиради.

Муштарак мақсадларга интилган ҳолда, давлатларимиз савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқаларни, чегараолди ва ҳудудлараро шерикликни кенгайтириш учун минтақавий ҳамкорликни фаол равишда мустаҳкамламоқда.

Марказий Осиё бирдамлигини янада мустаҳкамлаш йўлидан борар эканмиз, биз Қирғизистон халқини унинг ҳамжиҳатлик, тинч, мустақил тараққиёт ва фаровонлик борасидаги интилишида доимо қўллаб-қувватлаймиз.

Туркия матбуоти:

## «УШБУ НУТҚ, ҲАҚИҚАТАН ҲАМ, ТАРИХИЙ ХИТОБ ЭДИ»

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи ва унда илгари сурилган муҳим ташаббуслар халқаро доирада жуда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур тарихий чиқиш чет эл оммавий ахборот воситалари, хусусан, Туркия матбуотида ҳам фаол ёритилди. Ўз навбатида, ушбу давлатнинг етакчи нашрлари, телеканаллари таниқли экспертларнинг Юртбошимиз нутқига муносабати, фикр-мулоҳазаларини ҳам бериб бормоқда.*

ДУНЁ НИГОҲИ

Жумладан, **“Anadolu” ахборот агентлиги** ва **“TRT Avaz” телеканали** сайтларида **“Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясида илк бор ўзбек тилида нутқ сўзлади”** сарлавҳали мақола эълон қилинди.

“Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТнинг 75-юбилей сессиясидаги видеомурожаат шаклидаги нутқида рус тили ўрнига ўзбек тилини танлади, — дея бошланади ушбу материал ва бундай воқелик мамлакатимиз мустақилликка эришганидан бери илк бор кузатилганига алоҳида урғу берилади. — Мирзиёев нутқида янги турдаги коронавирус (COVID-19) пандемияси инсониятнинг бундай глобал таҳдидларга қарши заиф жиҳатларини яққол кўрсатганини ва мунтазам мулоқот, ишонч ҳамда яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини қайд этди. Бу борада ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, умумий масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш, халқаро шерикликни ривожлантириш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақоми ва салоҳиятини ошириш, ваколатларини кенгайтиришга эҳтиёж мавжудлигини таъкидлади.

Бунинг учун БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқишни таклиф этди ҳамда ушбу ҳужжатда ҳар бир давлатнинг фуқаролари ҳамда халқаро ҳамкорлари олдидаги мажбуриятлари акс этиши лозимлигини билдирди.

Бундан уч йил олдин БМТ Бош Ассамблеясида Ўзбекистоннинг туб ислоҳотлар ўтказиш борасидаги азму қарорини айтганини эсга олган Шавкат Мирзиёев, жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида янги Ўзбекистон шаклланаётганига алоҳида урғу берди”.

Мақолада кичик сарлавҳалар билан давлатимиз раҳбарининг чиқишидаги муҳим жиҳатларга бирма-бир тўхталиб ўтилган. Хусусан, муаллиф Ўзбекистон Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш, 2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзуида халқаро форум ўтказиш, БМТ ҳузурида Афғонистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшадиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил қилиш, Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш таклифларини алоҳида эътироф этади.

**www.haberturk.com сайти** профессор Куршад Зорлунинг **“Бу БМТ Бош Ассамблеясидаги муҳим нутқ эди...”** мақоласини эълон қилди.

“Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида давлатлар раҳбарлари бу гал видеоконференц шаклида чиқиш қилмоқда...

Куни кеча тинглаганларим орасида БМТ музокараларида илк бор кузатилган воқеа рўй берди. Бу сўнгги йилларда Туркия билан муносабатларини фаол ривожлантираётган ва эндиликда расмий ўлароқ, Туркий кенгашнинг доимий аъзоларидан бирига айланган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқидир. Эътиборимни тортган энг муҳим жиҳат шуки, биринчи марта тўлиқ ўзбек тилида чиқиш қилинди. Мен ўша пайтдаёқ айтилганларнинг кўп қисмини тушундим.

→ 3

Акс садо

## ИШСИЗ ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРДА КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУР

*Мамлакатимизда хотин-қизлар ва ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Уларнинг бандлигини таъминлаш, ўқиши, муносиб иш шароитида фаолият юритишлари учун барча имконият эшиклари очиб берилаётгани фикримиз исботидир.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йилнинг 8 октябрь куни жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам айни масала ечимлари атрофлича муҳокама қилинди.

Албатта, хотин-қизлар ва ёшлар аҳолининг катта қисмини ташкил қилишини ҳисобга олсак, ижтимоий масалаларнинг аксарияти ҳам улар билан чамбарчас боғлиқлиги аён бўлади. Масалан, хотин-қизлар масалалари бўйича ҳар бир маҳаллада раис ўринбосари, туманда — маҳалла ва оила бўлими бошлиғи ўринбосари ҳамда 2 нафар мутахассис, вилоятда эса 8 нафаргача штат бирлиги берилди.

Бу нимани англатади? Бу мазкур йўналишдаги ишларни янада юқори босқичга кўтариш, муаммоларни имкон қадар тез ва самарали ҳал этиш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётганидан далолат.

Давлатимиз раҳбари ушбу масалаларга алоҳида тўхталиб, бундан буён одамларнинг уйига бориб, ишга муҳтожларни ишга жойлаштириш тизимини яратишимиз, энди қайси жойда раҳбарлар уйма-уй юриб, масалаларни ҳал қилса, ўша жойда вазият ўзгариши, энг асосий мақсад — иқтисодий барқарорликдан натижадорликка ўтиш бўлиши кераклигини таъкидлади.

→ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида

## КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК МУҲИМ ВАЗИФА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси Энергетика вазирлигининг “Аҳоли ва ишлаб чиқариш қувватларини электр энергияси ва газ билан таъминлаш борасида (айниқса, куз-қиш ойларида фойдаланишида) амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги тўғрисида”ги ахборотини эшитди.*

Таъкидланганидек, юртимизда 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумига энергетика соҳасини тайёрлаш ҳамда ёқилғи-энергетика ресурсларини аҳоли, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларига барқарор етказиб бериш тизими жорий этилиб, ушбу тизим доирасида Энергетика вазирлигининг марказий ҳамда ҳудудий штаблари ташкил қилинди.

Марказий штаб томонидан шу йилнинг октябригача қадар тасдиқланган режа-жадвалларга асосан, ҳар бир ҳудудга чиққан ҳолда, жорий этилган тизим бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилиб, аниқланган муаммо ва камчиликлар бартараф қилинди.

Шунингдек, жорий куз-қиш мавсумига энергетика объектларини сифатли тайёрлаш борасида комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Электр энергияси таъминоти бўйича шу йилнинг октябрь ойидан 2021 йил март ойига қадар республиканинг жами эҳтиёжи 40 миллиард 816 миллион кВт соатни ташкил этиши кўзда тутилган. Электр энергияни аҳолига беталафот етказиш мақсадида электр узатиш тармоқларида 400 дан ортиқ трансформаторлар, 600 тонна трансформатор мойи, 100 тонна сим захираси ҳамда 450 та авария-тиклаш бригадалари ташкил қилинди.

Бугунги кунда истеъмолчиларни кўмир билан таъминлашда умумий сиғими 362 минг тонна бўлган 91 та омбор хизмат қилаётир, улар 84 та электрон автотарози, 126 та махсус техника ва кунлик ишлаб чиқариш қуввати 4,4 минг тонна бўлган 86 та брикет ускунаси билан таъминланган. Йил якунига қадар истеъмолчиларга жами 6 миллион 995 минг тонна кўмир маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш режалаштирилган.

Шу йил 1 ноябрга қадар 14 минг 311 та ижтимоий соҳа ташкилотига 405 минг тонна, 1 декабрга қадар эса 2 миллион 700 мингта аҳоли хонадонига 600 минг тонна маҳаллий кўмир етказиб берилади. Айни кунга қадар аҳоли эҳтиёжлари учун 116,1 минг тонна, ижтимоий соҳа ташкилотлари учун 254,3 минг тонна маҳаллий кўмир етказиб берилган.

Бундан ташқари, аҳоли эҳтиёжлари учун 100 минг тонна импорт кўмир жорий йил 1 декабрга қадар, 240 минг тонна импорт кўмир об-ҳавонинг ўзгариши ҳамда аҳоли талабларидан келиб чиққан ҳолда етказиб берилиши режалаштирилган.

Эшитувда қайд этилганидек, табиий газ таъминоти соҳасида шу йил 1 ноябрга қадар 74 километр газ қувурлари мукаммал таъмирланиши, 44 километри реконструкция қилиниши, 605 та газ тақсимлаш пункти мукаммал таъмирланиши, 80 минг 334 таси техник тафтишдан ўтказилиши кўзда тутилган. 6 минг 779 километр қувурлар босим остида синалиши ва тозаланиши ҳамда 5 минг 289 километр ер ости қувурлари махсус ускуналар ёрдамида текширилиши белгиланган.

→ 2

## ЙИРИК КОРХОНАНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ ВА МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ УЧУН СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ЕТКАЗИБ БЕРМОҚДА





*Бугунги кунда иссиқликни сақловчи қурилиш материалига талаб тобора ортиб бормоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, ушбу маҳсулот замон талабларига жавоб беради. Бинобарин, ҳозир бутун дунёда бино ва иншоотлар инновацион, янги турдаги қурилиш материалларини қўллаш орқали сифатли, ҳар томонлама қулай, энергия тежамкор тарзда бунёд этилмоқда. Хусусан, ривожланган давлатларда бунёдкорлик ишларида газобетон, пенобетон, базальт арматураси, иссиқлик сақловчи материаллар сингари кўплаб қурилиш маҳсулотлари ишлатиляпти.*

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Тафсилотларни видеолавҳада кўринг

Мамлакатимизда ҳам бу борада дунё тажрибаси изчил қўлланилмоқда. Бино ва иншоотларни барпо этишда иссиқлик сақловчи материалларни қўллаш бўйича шаҳарсозлик меъёрлари ишлаб чиқилган. Юртимизда иссиқлик сақловчи материалнинг икки туридан, яъни шиша ва базальт толасидан кенг фойдаланилади.

Нафақат маҳаллий, балки жаҳон бозорини ушбу турдаги маҳсулотлар билан таъминлаш, мазкур йўналишда янги саноат корхоналарини барпо этиш мақсадида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси вилоят ҳокимликлари, тижорат банклари билан ҳамкорликда кўплаб йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширмоқда.

→ 3

## ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР ЕЧИМИНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

*Куни кеча Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда хотин-қизлар ва ёшлар аҳолининг катта қисмини ташкил этади. Шундай экан, ижтимоий масалаларнинг аксарияти ҳам улар билан чамбарчас боғлиқ.*

Бу муаммоларни қандай ҳал қилиш керак? Аввало, уларнинг олдини олиш орқали. Давлатимиз раҳбари бунинг учун яна бир самарали иш тизимини таклиф этди.

Маълумки, юртимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхати, яъни “темир дафтар” тузилган эди. Энди худди шунга ўхшаган ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ҳамда вилоят кесимида “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари” шакллантирилади. Бу рўйхатлар “темир дафтар”дан алоҳида бўлади. Унга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ҳамда касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар ҳамда хотин-қизлар киритилади. Бунинг натижасида улар билан тизимли, манзилли иш йўлга қўйилади.

Янги тизимга кўра, энди ҳар бир ҳудуднинг ўзида, алоҳида “ёшлар дафтари” ва “аёллар дафтари” бўлади. Унда ёшлар ҳамда аёллар билан ишлаш учун 29 та йўналишда вазифалар ўрин олади.

“Дафтар”лар билан ишлашда нодавлат нотижорат ташкилотлар имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлиги қайд этилди. Улар билан ҳамкорликни кенгайтириб, жазони ўтаб қайтганларнинг ижтимоий мослашуви, ёшлар ва аёлларни психологик қўллаб-қувватлаш, уларни чет тиллари ҳамда касб-ҳунарга ўқитиш муҳимлиги айтилди.

Бунинг учун ҳар бир сенатордан, маҳаллий Кенгаш депутатидан мазкур масалаларга янада эътиборли бўлиш, жойларда бу хилдаги тизим расмиятчилик учун эмас, амалда самарали ишлаб кетиши учун фаол иш олиб бориши талаб этилади.

→ 2

## НУФУЗЛИ МИНБАРДА ЯНГРАГАН ТАШАББУСЛАР

### фаровон ҳаёт ва орзулар рўёбига қаратилган

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида мустақил мамлакатимиз ва энг нуфузли халқаро ташкилот тарихида илк бор ўзбек тилида сўзлаган нутқи, кўпчилик қатори, шу юрт фарзанди сифатида менинг ҳам қалбимни ғурур ҳамда ифтихорга тўлдирди. Зотан, бу кунни ота-боболаримиз орзуси ушалган тарихий воқеа, десак, муболаға бўлмайди.*

Муносабат

Президентимиз ўз нутқида Бош Ассамблеянинг 72-сессиясида бўлгани каби Ўзбекистон олдида турган долзарб ва глобал масалаларга, шунингдек, БМТ орқали ечимини топадиган минтақавий муаммолар ҳамда таҳдидлар ҳақида тўхталди.

Ушбу 75-юбилей сессияси БМТ тарихида биринчи марта янги форматда — коронавирус пандемияси туфайли онлайн мулоқот режимида бўлиб ўтди. Глобал фалокат илк маротаба инсон яшаб турган 5 қитъага, ҳатто Океания орол мамлакатларига ҳам етиб борди. Бундай таҳликали ва мураккаб вазият Ер юзидаги барча давлат ҳамда халқлар ўзаро боғлиқ эканини, ўртамизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади.

Жаҳондаги барча мамлакатлар, ҳукуматлар, парламентлар ва фуқаролик жамиятларининг ўзаро саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, умумий масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш, халқаро шерикликни мувофиқ ҳолда ривожлантириш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақоми ҳамда салоҳиятини ошириш, ваколатларини кенгайтириш лозимлиги чуқур англаб етилди. Мақсад эса ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ҳамда фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишга қаратилган. БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш таклиф этилди. Бу Ўзбекистон раҳбарининг БМТнинг навбатдаги муҳим умуминсоний ҳужжатини ишлаб чиқиш ташаббусидир.

Ўзбекистонда COVID-19 пандемиясининг салбий оқибатларини юмшатиш учун ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимлари кескин кучайтирилди, аҳолига манзилли кўмак кўрсатилмоқда. Халқаро ҳамжамиятнинг пандемияга қарши самарали курашиш бўйича барча ҳаракати, жумладан, зарур дори-дармон ҳамда вакциналар ишлаб чиқариш ва улардан кенг фойдаланишга қаратилган ташаббуслари қўллаб-қувватланмоқда.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари сессияда Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этди. Бу таклифлар умуминсоний характерга эга. Зеро, мамлакатлар ҳамда миллатларнинг тараққиёт даражаси конвенция, саммит, резолюцияга муносабат билан белгиланади.

→ 2

# НУФУЗЛИ МИНБАРДА ЯНГРАГАН ТАШАББУСЛАР

## фаровон ҳаёт ва орзулар рўёбига қаратилган

◄1 Айни чоғда давлатимиз раҳбари минтақавий масалаларни ҳам кўтарди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш, Инсон тараққиёти бўйича минтақавий қўшма режанинг 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конференция ўтказиш, 2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида "Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида" деган мавзуда халқаро форумни ўтказиш, БМТ ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш, Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш, қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни Бош Ассамблея навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказиш каби долзарб таклифларини билдирди.

Бу масалаларнинг барчаси ниҳоятда долзарб ва уларнинг ҳал этилиши миллионлаб инсонларнинг дарду ташвишларини аритиб, орзу-ниятлари рўёбига хизмат қилади. Жумладан, Ер юзида бойлик, фаровон ҳаёт ўз тарихига эга бўлгани сингари, қашшоқлик ҳам ўз ривожланиш босқичларига эга. Ҳатто ҳали мактаб партасига ўтирмаган, радио ёки телевидение хизматидан фойдаланмаган, компьютер ва интернет ҳақида тушунчага эга бўлмаган мамлакатлар аҳолиси кўпчиликни ташкил этади.

Собиқ совет иттифоқи БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси сифатида ўзи мавжуд бўлган даврда бой ва тадбиркорларга қарши кураш, қашшоқликни ёқлаб келди. Бугун Ўзбекистонда бойликка қарши эмас, қашшоқликка қарши курашиш асосий масалалардан бирига айланган.

Юқорида айтиб ўтилган умуминсоний ва минтақавий масалалар айнан қашшоқликка қарши қаратилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш, деган ташаббус замирида Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ва шу асосда янги иш ўринлари ҳамда янгича анъаналар яратиш каби эзгу ниятлар жой олганлиги, шубҳасиз.

Президентимиз, шунингдек, пандемиядан кейин жаҳон, дунё бутунлай бошқача бўлишини, унда билим ва маърифат етакчи кучга айланишини таъкидлади. Пандемия фалокатидан халос бўлмасдан туриб, бундай оптимистик фикрни нуфузли минбардан айтиш ҳам осон иш эмас.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир ташаббуси янгича фикрлаш ва янгича фикрлашдан тўхтамаслик мақсадини ҳам кўзлайди. Ўзбекистонда узлуксиз таълим, инсон капиталига инвестиция жалб этиш, тараққиёт каби юксак ғояларни олий ҳамда ўрта махсус таълим соҳаси зиммасига ҳам янгидан-янги вазифаларни юклайди. Уларнинг рўёби учун бор куч ва билим-салоҳиятимизни сафарбар этамиз.

**Абдуҳаким МАМАНАЗАРОВ,**
***М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали раҳбари ўринбосари, халқ депутатлари Миробод тумани Кенгаши депутати.***

# ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР ЕЧИМИНИНГ САМАРАЛИ УСУЛИ

◄1 Чунки ўзимиз халқ орасида юрамиз, жамият ҳаётида бугун юз бераётган муаммоларнинг туб илдизи ишсиз ёшлар ва хотин-қизларга бориб тақалаётганига бир неча бор гувоҳ бўламиз. Янги тизим уларни шунчаки моддий қўллаб-қувватлаш эмас, балки тизимли равишда иш билан таъминлаш, кўнгилдаги ташаббусларини юзага чиқаришга кўмаклашиш, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун туртки бўлишга қаратилган.

Шунинг учун ҳам йиғилишда "ижтимоий шартнома" тажрибасини кенг қўллаш муҳимлиги айтилди. Бунда, аввало, фуқаро касб ўрганиши, ишга жойлашиши, ўзини ўзи банд қилиши учун давлат томонидан моддий ва ижтимоий кўмак кўрсатилади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда истиқомат қилаётган ёшлар ва аёлларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг муносиб иш ҳамда мунтазам даромад манбаига эга бўлишлари учун давлат ўз ижтимоий ҳимоясига олиши кўзда тутилмоқда.

Ижтимоий ҳаётимизда бундай ёндашув ҳам ўзига хос янгилик. Унинг самарали ижросини таъминлашда адолат мезонларига риоя этиш талаб қилинади. Ўйлайманки, жойлардаги сенаторларимиз бу борада ҳам масъулиятни ўз зиммаларига олиб, давлатимиз раҳбари бошлаб берган эзгу амалларни қатъият билан давом эттиришади.

Йиғилишда бугунги кунда давлат бошқарувида кўплаб аёллар муҳим ўринни эгаллаб, аҳоли орасида юқори обрўга эга бўлаётгани ҳам алоҳида айтиб ўтилди. Маълумки, йил бошида жуда масъулиятли вазифалар — туман ва шаҳар ҳокимлари лавозимларига муносиб, ташаббускор аёллар тайинланди. Бугун улар ўз ҳудуди фаровонлиги учун муваффақиятли хизмат қилмоқда. Мамлакатимизнинг янги парламентида аёл депутатлар сони 32 фоиз, сенатор аёллар 23 фоизни ташкил қилади, 25 фоиздан зиёд аёллар маҳаллий Кенгашлар депутатларидир.

Албатта, бу кўрсаткичлар билан фахрланишга ҳали эрта. Олдимизда, хусусан, юқори палата ҳузуридаги Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси олдида турган вазифалар кўлами ҳамда миқёси жуда ҳам кенг ва масъулиятли.

Йиғилишда таъкидланган ҳар бир рақам ижроси айнан парламент назоратида бўлиши лозим. Жумладан, янги тизим жорий қилиниб, нодавлат касб-ҳунар таълими марказлари орқали ёшлар ҳамда аёлларга касбий кўникмаларни шакллантириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлашга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар миқдоридаги маблағ йўналтирилиши айтиб ўтилди. Шундан 10 миллиони ёшлар ҳамда хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитишга, 90 миллиони эса ўқув курсларини тамомлаб, сертификат олганларга имтиёзли кредитлар ажратиш учун сарфланади. "Ижтимоий шартнома" орқали нодавлат касб-ҳунар ўқув курсларини битираётган ёшлар ва аёлларга таълим харажатлари учун 1 миллион сўмгача субсидия берилади.

Демак, сенаторлар ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, қолаверса, юқори палата ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари бу каби долзарб вазифалар ижросини таъминлашда бамисоли ҳамкасаба бўлиши лозим. Зеро, юртимизнинг барқарор тараққиёти оилалардаги тинчлик ва фаровонликдан бошланар экан, бу масалаларни ҳал қилмасдан туриб, унга эришиб бўлмайди.

**Феруза ЭШМАТОВА,**
***Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.***

# МАҚСАД — НАЗОРАТ ЭМАС, КЎМАКЛАШИШ

*Куз фасли — айни пишиқчилик мавсуми. Деҳқону боғбонлар, чорвадору соҳибкорлар йил давомида пешона тери билан етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишга киришган.*

*Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари ҳисобланган пахта ва ғаллачиликда ҳам ҳал қилувчи палла. Пахтакорлар 6 ойлик заҳматли меҳнати эвазига етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай йиғиб-териб олиш ҳаракатида бўлса, ғаллакорлар келгуси йил ҳосили учун ерга барака уруғи сочяпти.*

## Мавсум

Бу жараён Самарқанд вилоятида ҳам қизғин давом этаётир. Хусусан, вилоятдаги тўққизта пахтачилик кластери ва 2 минг 120 та фермер хўжалиги 75 минг 580 гектар майдонда етиштирилган пахтадан 215 минг 500 тонналик хирмон кўтариш ниятида. Бунинг учун меҳнатга лаёқатли, иш билан банд бўлмаган аҳоли ҳамда фермер хўжаликлари аъзоларидан иборат 2 минг 19 та отряд ташкил этилган. Шунингдек, кластерлар томонидан харид қилинган 40 га яқин замонавий пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиляпти. Вилоятдаги 27 та пахта қабул қилиш масканида келтирилган ҳосил белгиланган сифат кўрсаткичига қараб, хирмон қилинмоқда.

Ушбу жараённинг бориши билан яқиндан танишиш, пахта далаларида теримчилар учун муносиб меҳнат ҳамда дам олиш шароити яратиш, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик мақсадида Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳ фаолият олиб бормоқда. Аниқроқ айтганда, вилоятнинг пахта етиштиришга ихтисослаштирилган 9 туманида бўлиб, йиғим-терим ишларининг боришини кузатиб боряпмиз.

Бугун далаларда қийғос очилиб турган ҳосилнинг ўз эгаси бор — фермер, кластер корхоналари меҳнати самарасини ҳам ўз вақтида, сифатли йиғиштириб олишни истайди. Шундай бўлгач, барибир пахта йиғим-теримида маҳалла аҳолиси, мавсумий ишчилар меҳнатидан фойдаланишга тўғри келиши турган гап. Тўғри, эндиликда бу жараённи аввалгидек одамларни ёппасига далага чиқариш билан амалга ошириш мумкин эмас. Бу борада тегишли ҳуқуқий асослар яратилган, яъни мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди. Биз ҳам жойларда бўлганимизда бу ҳақда теримчилар ва фермерлар билан суҳбатлашяпмиз. Теримчиларга кунлик ҳақ тўланаётгани, даланинг ўзида иссиқ овқат ҳамда бошқа шароитлар яратилгани туфайли аҳолининг ўзи кўнгилли равишда чиқиб, даромад қилаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Масалан, Нуробод туманида 31 фермер хўжалиги 632 гектар майдонда ғўза парваришлаб, етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олмоқда. Мазкур туманнинг вилоятдаги улуши энг кам. Шунга қарамай, мавсумга пухта ҳозирлик кўрилган. Маҳаллаларда истиқомат қилувчи 1200 дан зиёд ишсиз, меҳнатга лаёқатли фуқаролар билан шартнома имзоланиб, 14 та терим отряди тузилган. Туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан теримчиларга ҳақ-ҳуқуқлари, меҳнатга оид муносабатлар юзасидан батафсил тушунтириш берилган. Мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича маҳалла раислари ҳам, фермерлар ҳам огоҳлантирилган. Туманнинг пахта хом ашёси "Самарқанд камалак инвест" кластер корхонаси томонидан қабул қилиб олинмоқда.

Каттақўрғон, Нарпай, Пахтачи, Пастдарғом, Иштихон туманларида бўлганимизда ҳам терим ишлари рисоладагидек ташкил этилганига гувоҳ бўлдик. Бугунги кунга келиб, вилоятдаги кўплаб фермерлар биринчи теримдаёқ кластер билан тузилган шартномада белгиланган ҳосилни йиғиштириб, юзи ёруғ бўлганлигидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Зеро, териб олинаётган бир ҳовуч пахта ҳам хонадонларимизга барака бўлиб кириб келади.

Шунингдек, жойларда теримчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш чораси кўрилган. Масалан, Иштихондаги "Домла Аброрий" фермер хўжалигида тушлик пайтида туман ҳокимлиги, "Мароқанд сифат текстиль" кластер корхонаси томонидан теримчилар учун ташкил этилган маданий дастур устидан чиқдик.

Туман илғорларидан бўлган ушбу фермер хўжалигининг далаларида айни пайтда Халқобод ва Чайжовул маҳаллаларининг 200 дан зиёд теримчилари фермерга ёрдамлашяпти. Фермер Мафтуна Бердиқулованинг айтишича, умумий ер майдонининг 43 гектарида пахтадан мўл ҳосил етиштирган. Фермернинг нияти — ҳар гектардан 45 центнердан ҳосил олиш. Биринчи теримдаёқ бу натижа кўзга ташланяпти.

Тўғри, жойлардаги ўрганишлар давомида теримчиларга зарур шароит яратиш, бугунги вазиятдан келиб чиқиб, санитария қоидаларига риоя этиш бобида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилаётгани кузатилди. Аммо бу муаммолар туман ҳокимликлари, кластерлар ва тиббиёт бирлашмалари, бандликка кўмаклашиш марказлари масъуллари томонидан жойида бартараф этиляпти. Зеро, мақсадимиз терим жараёнини назорат қилиш эмас, аксинча кўмаклашишдан иборат.

**Фарҳод БОҚИЕВ,**
***Олий Мажлис Сенати аъзоси, ишчи гуруҳ раҳбари.***

# ИШСИЗ ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРДА КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУР

◄1 Буларни эшитиб, бугунги фаолиятимизнинг аксар қисми аҳоли орасида, хонадонларида ўрганишлар жараёнида бежиз кечмаётганига амин бўлдим. Айнан хонадонма-хонадон ўрганишлар давомида ишсиз хотин-қизларда мотивация уйғотиб, касбий кўникмалар шакллантириш, психологик, ҳуқуқий, тиббий ва молиявий кўмак беришга ҳаракат қиляпмиз.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳам айни пайтда хотин-қизлар учун даромад манбаига айланиб бораётгани эътиборга молик. Хусусан, камбағалликни қисқартириш бўйича олиб бораётган ишларда айни соҳага кўпроқ суянаётганимиз ҳам бор гап. Кам таъминланган, ишсиз аёлларга кўмак сифатида фермер хўжаликлари томонидан ажратилаётган маълум бир гектар ер майдонларида бугун уларнинг бандлиги таъминланяпти. Бу билан уларнинг оиласига даромад кираётир, рўзғори бут, дастурхони янада файзли бўлмоқда.

Шундай бўлгач, биз, депутатлар ҳам видеоселектор йиғилишида айтилган ҳар бир масалани топшириқ сифатида қабул қилиб, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг муаммоларини бартараф этиш учун астойдил ҳаракат қиламиз.

**Барно МИРЗАМОВА,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси.***

# КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК МУҲИМ ВАЗИФА

◄1 Эшитувда халқ вакиллари учраётган камчиликларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар берди. Хусусан, депутат Нодир Тилаволдиевнинг таъкидлашича, сайлов округларидаги ҳолатлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, жойлардаги аҳолини қийнаётган энг долзарб масала, бу, куз-қиш мавсумида хонадонларни иситишда муаммога йўл қўймаслик, қишдан беталафот чиқиб олишдир. Агар табиий газ эҳтиёжга яраша узлуксиз етказиб берилса ва ундан самарали фойдаланиш назоратга олинса, экспортга сотиладиган нархга яқин қийматда аҳоли уни бажонидил сотиб олиши, шубҳасиз. Энг асосийси, бу, одамларнинг мушкули осон бўлиши.

Тадбирда қайд этилганидек, истеъмолчиларни суюлтирилган газ билан барқарор таъминлаш учун қўшимча чоралар белгиланган бўлиб, хусусан, аҳолига 386 минг тонна ёки режадан 80 минг тонна кўп суюлтирилган газ етказиб бериш режалаштирилган. Бунинг учун мавжуд қурилмаларда қўшимча 8 минг тонна ва янги лойиҳаларни ишга тушириш ҳисобига 72 минг тонна ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, истеъмолчиларга суюлтирилган газ етказиб бериш ҳамда тўловлар жараёнининг автоматлаштирилган тизими йил охиригача жорий этилади. Бунинг учун жадвал асосида 3,5 миллион дона ID-карта ва 4,5 миллион дона бар-кодли махсус ёрлиқ харид қилинади.

Баҳс-мунозара тарзида ўтган тадбирда муҳокама этилган масала юзасидан қўмита ва вазирликнинг ўзаро ҳамкорликда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалари белгилаб олинди. Якунда қўмитанинг таклиф ҳамда тавсиялари акс этган тегишли қарори қабул қилинди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «ЁШЛАР МЕҲНАТ ГУЗАРИ» БАРПО ЭТИЛДИ

*Ургут туманининг Ўрамас маҳалласида "Ёшлар меҳнат гузари" фойдаланишга топширилди.*

## Бандлик

Тадбиркор Исмоилхон Раҳматов томонидан бунёд этилган мазкур мажмуанинг қурилишига 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланди.

— Асосий мақсадимиз маҳалладаги ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорликка қизиқтириш, — дейди И. Раҳматов. — "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу "Ёшлар меҳнат гузари"да 6 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқтаси ҳамда битта тикувчилик цехи ишга туширилиб, 25 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, туманда жами 7 та "Ёшлар меҳнат гузари" қурилиши режалаштирилган бўлиб, уларнинг 2 таси фойдаланишга топширилди. Қолганларида қурилиш ишлари давом этмоқда.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Номоддий активлар:

# ЎЗБЕКИСТОНДА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ДАРАЖАСИ НИМА УЧУН ПАСТ?



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

***Бизнесни ривожлантириш, капитални кўпайтиришда пулнинг ўзи камлик қилишини ҳаётий жараёнлар тасдиқлаб турибди. Ахборот асрида илғор ғоя ва илмий янгиликлар энг қимматли активга айланмоқда. Чунки пул активларнинг бир қисми, холос. Уни капиталга айлантириш учун эса тадбиркорлик лаёқати, билим, айни пайтда, таваккалчилик ҳам талаб этилади. Шунинг учун капитал ўз атрофига инновацион ғояларни, жиддий қарорларни, кашфиёт ҳамда "ноу-хау"ларни жамлайди.***

Ахир ҳозирги кучли рақобат шароитида хоҳ у маҳсулот, хоҳ у хизмат кўрсатиш бўлсин, яхшироқ, тезроқ, қизиқроқ ва албатта, сифатли қилиб тақдим этилмаса, бозордан муқим жой эгаллаб бўлмайди.

Шу каби омиллар туфайли жаҳон иқтисодиётида номоддий активларга бўлган талаб тобора ошмоқда. Маълумотларга қараганда, машҳур "Apple" компанияси активларининг 99 фоизидан кўпроғини номоддий активлар ташкил этади. Қолган 1 фоизга яқини эса моддий активлар экан, холос.

Дарҳақиқат, хорижнинг етакчи компаниялари балансида номоддий активларининг улуши йил сайин кўпаймоқда. Масалан, "S&P 500" фонд индексини шакллантирадиган АҚШнинг энг илғор 500 та компанияси айланмасидаги номоддий активларнинг улуши 85 фоиздан ошган. Ваҳоланки, бундан 50 йил бурун бунинг аксини кўриш мумкин эди.

Ушбу кўрсаткич давлатлар мисолида таҳлил қилинса, АҚШ ҳамда Францияда фаолият юритаётган барча бизнес тузилмаларининг номоддий активлари 35 фоизга, Бельгияда 32 фоизга, Италияда 29 фоизга, Португалияда 27 фоизга, Германияда эса 24 фоизга етганига амин бўламиз.

Ўзбекистонда-чи? Афсуски, номоддий активларнинг ҳиссаси ҳали 1 фоизга ҳам етмайди.

### Номоддий активлар — интеллектуал мулк

Очиғини айтиш керак, юртдошларимизнинг аксарияти номоддий активлар ҳақида етарлича тасаввурга эга эмас. Хўш, у ўзи нима?

Содда қилиб айтганда, номоддий активлар инсоннинг ижодий, илмий фаолияти натижалари бўлган интеллектуал мулк маҳсулидир. Аммо номоддий активлар тушунчаси жуда кенг бўлиб, шу билангина чекланиб қолмасдан ўзида мулкий ҳуқуқларни ҳам қамраб олади. Табиий ресурслар, ер ости бойликлари, ер участкасидан, атроф-муҳит тўғрисидаги геологик ва бошқа маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқи шулар жумласига киради.

Тарихан интеллектуал мулк икки асосий тоифага бўлинади. Булар — муаллифлик ҳуқуқи ҳамда саноат мулки. Яъни илмий, адабий ва санъат асарлари, эшиттириш ташкилотларининг ижролари, фонограммалари ҳамда эшиттиришлари, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан, ишлаб чиқариш сирлари ("ноу-хау"), фирма номлари, товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), товар келиб чиққан жой номлари — буларнинг барчаси интеллектуал мулк объектлари сирасига киради. Интеллектуал мулк соҳиблари унга эгалик қилиши, фойдаланиши ҳамда тасарруф этиши, энг асосийси, мулк ҳуқуқи ҳимоя қилиниши миллий қонунчилигимизда кафолатлаб қўйилган.

Айтиш жоизки, интеллектуал мулк объектлари корхонанинг бухгалтерия ҳисобига киритилгач, номоддий активлар деб юритила бошланади. Унга Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида шундай таъриф берилган: "номоддий активлар — корхона томонидан узоқ муддат мобайнида ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш ёки товарларни сотиш жараёнида фойдаланиш мақсадида ёхуд маъмурий ва бошқа функцияларни амалга ошириш учун ушлаб туриладиган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган идентификацияланадиган мол-мулк объектлари".

Бироқ улар бухгалтерия ҳисобига номоддий активлар сифатида қабул қилиш учун бир вақтнинг ўзида айрим шартлар бажарилиши керак. Хусусан, у моддий-ашёвий тузилишга (шаклга) эга бўлмаслиги, 12 ойдан кам бўлмаган муддатда фойдаланиш мўлжалланган бўлиши, қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг камида эллик бараварини ташкил қилиши, шунингдек, ишончлилик, яъни корхонада актив ва унга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар ҳамда идентификация қилиш имконияти мавжуд бўлиши шарт. Йўқса, бундай интеллектуал мулклар ҳисобга олинмайди.

### Илмий неъматдан фойдаланиш қийинми?

Ўзбекистонда номоддий активлардан фойдаланиш даражаси нима учун ҳамон қуйи поғонада турибди? Бу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин? Биз шунчалик қолоқмизми ё интеллектуал салоҳиятимиз пастми?

Йўқ, албатта. Юртимиздаги йирик компаниялар, пахта-тўқимачилик кластерлари, саноат корхоналари, қўйингки, турли соҳа ва тармоқларда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритиш субъектлари номоддий активларни иқтисодий айланмага жалб қилиш учун реал имкониятга эга. Бугунги кунда ўзининг савдо белгилари, халқаро бозорда танилган брендига эга компаниялар ҳам кам эмас.

Бундан ташқари, йирик компаниялар мижозлар учун веб-сайт, маълумотлар базасини яратган, деярли барча ишлаб чиқарувчилар томонидан тан олинган, тегишли идоралар томонидан тасдиқланган илғор технологиялар ва "ноу-хау"лар мавжуд. Унда муаммо нимада?

Муаммо шундаки, номоддий активлар моҳияти, унинг бизнес фаолиятидаги аҳамиятини кўпчилик, ҳатто, айрим раҳбарлар ҳам ҳамон тўлиқ тушуниб етгани йўқ. Қолаверса, бундай активларни айланмага киритишга салоҳияти етадиган бухгалтер кадрлар жуда кам. Борлари эса ортиқча меҳнатдан қочади. Оқибатда бебаҳо номоддий неъматлардан амалда деярли фойдаланилмаяпти.

### Рақамли иқтисодиётга ўтишнинг муҳим босқичи

Корхонада интеллектуал мулк объектларини капиталлаштириш, иқтисодий айланмага киритиш ҳам ўз-ўзидан бўлмайди. Тан олиш пайтини белгилаш, баланс қийматини, фойдали хизмат муддатини баҳолаш, амортизация ҳисоблаш усулларини белгилаш, баланс қийматидаги бошқа ўзгаришларни баҳолаш ва ҳисобга олиш ҳамда уларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижаларни аниқлаш, шунингдек, улар бўйича ахборотларни молиявий ҳисоботда ёритиб бериш тартиби — булар номоддий активларни ҳисобга олишнинг асосий қоидалари ҳисобланади.

Шу ўринда савол туғилиши табиий. Хўш, шунча амалларни бажариб, интеллектуал мулк объектлари корхона айланмасига номоддий актив сифатида киритилди дейлик, бу тадбиркорга нима беради?

Иқтисодчи сифатида айтишимиз мумкинки, бу жуда кўп нарса беради. Унинг фойдаси анъанавий бўлган моддий активлардан кам эмас. Ҳатто фан-техника тараққиёти даврида уларнинг қадри ошиб боряпти. Афсуски, юртимиздаги деярли барча корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш жараёнида номоддий активлардан бевосита фойдаланаётган бўлса-да, амалда молиявий айланмага киритилмайди. Ваҳоланки, қонунчилигимизда унинг ҳуқуқий асоси яратилган.

Асосий масалага келадиган бўлсак, номоддий активлар капиталлашуви, биринчи навбатда, бундай активларни даврий харажатларга қўшмасдан ундан янги номоддий активлар шакллантириш имконини беради.

Иккинчидан, корхонага фойда келтириши мумкин бўлган активлар таркиби кўпаяди.

Учинчидан, ишлаб чиқариш корхонасининг мақоми ўзгариб, инновацион компанияга айланади.

Тўртинчидан, номоддий активлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматлар таннархига, яъни амортизация ҳисобига киритилиши туфайли солиққа тортиладиган тўловлар оптималлаштирилади.

Бешинчидан, мавжуд қувватларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари учун инвестиция жамғаришга қулай шароит яратади.

Олтинчидан, корхона активларининг инвестициявий жозибадорлиги ошади.

Ва энг асосийси, номоддий активлар капиталлашуви туфайли мамлакат бойлиги ортади. Нега деганда, номоддий активларни худди моддий активлар сингари сотиш, айирбошлаш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, бошқа компанияларнинг устав капиталига ҳисса сифатида қўйиш ҳам мумкин.

Мана, бугунги кунда номоддий активларнинг жаҳон иқтисодиётидаги роли ортиб бораётганининг асл сабаби қаерда?!

Шу маънода, Ўзбекистонда ҳам интеллектуал мулк объектларидан номоддий актив сифатида кенг фойдаланишнинг пайти келди. Бинобарин, номоддий активлардан унумли фойдаланиш бугунги кун талаби, маъжозий маънода, рақамли иқтисодиётга ўтишнинг муайян бир босқичидир. Агар ундан фойдаланиш даражасини дастлабки босқичда 5 фоизга етказадиган бўлсак, бойлигимиз шунчага ортади, дегани. Пировардида иқтисодиётимиз тараққий этиб, бизнес юритиш янада осонлашади, тадбиркорлик ҳаракати жадал ривожланади.

**Муртазо РАҲМАТОВ,**
**иқтисодиёт фанлари доктори.**

# ЙИРИК КОРХОНАНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРИ

## МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ ВА МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ УЧУН СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ЕТКАЗИБ БЕРМОҚДА

1 2020-2021 йилларда уюшма масъуллигида йиллик қуввати 125 минг тонна бўлган 4 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Хусусан, Тошкент вилоятида “Angren Insulation” МЧЖда (йиллик қуввати 30 минг тонна) шиша толасидан иссиқлик сақловчи материал ишлаб чиқариш имконияти яратилади. Шунингдек, Жиззах вилоятида “Basalt Wool” МЧЖ (йиллик қуввати 35 минг тонна) ҳамда Тошкент шаҳрида “Akfa Insulation” МЧЖда (йиллик қуввати 30 минг тонна) базальт толасидан иссиқлик сақловчи плиталарни ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилади.

Айтиш жоизки, ушбу қурилиш материалига бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2016 йилда мамлакатимизда 12,1 минг тонна иссиқлик сақловчи материал ишлаб чиқарилган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 13,5 минг тоннани ташкил этди. Бунда “Ўзметкомбинат” акциядорлик жамиятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Чунки бу ерда базальт толасидан йилига 12 минг тонна иссиқлик сақловчи материаллар ишлаб чиқарилмоқда.

— Мазкур ишлаб чиқаришни 2015 йилда Россия ва италиялик ҳамкорлар билан йўлга қўйган эдик, — дейди корхонанинг иссиқлик ўтказмас материаллар ишлаб чиқариш цехи катта устаси Жамолиддин Элчиев. — Айни пайтда маҳсулотларимизга талаб юқори. Шу боис жамоамиз билан барча имкониятни ишга солиб, буюртмаларни ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қиляпмиз.



Чиндан ҳам, цех фаолиятини кузатсангиз, иш жуда қизғин кетаётганига гувоҳ бўласиз. Бу жараёнда ҳар бир ишчининг ўз ўрни, ўз вазифаси бор. Тўғри, ишлаб чиқариш жараёни автоматлаштирилган. Корхона ишчилари учун оддий туюлган бу жараён четдан қараганда ниҳоятда ҳайратланарли. Ахир тошдан тола яратиш ҳақиқий мўъжиза эмасми?

Асосийси, хом ашё ўзимизда мавжуд. Манба — Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги “Осмонсой” карьери.

Айтиб ўтганимиздек, корхонанинг ана шу мўъжизакор маҳсулотига харидорлар нақд. Пойтахтимиздаги “Sendvich Panel”, “Panel Plast”, “Absolute Business Trade”, Самарқанд вилоятидаги “Mironkul Story Servis” каби қурилиш корхоналари, шунингдек, қўшни Тожикистон Республикасининг бир нечта компаниялари шулар жумласидан.

Сирасини айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кейинги йилларда икки марта Бекободда бўлиши, металлургия комбинатида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиши ҳар бир муҳандис-техник ходимга, ишчига янги куч-ғайрат бағишлади, десак, муболаға бўлмайди. Корхона бошқарувининг ишончли ҳамкорларга топширилиши, раҳбарларнинг ҳар бир масалага илмий асосда ёндашиши, мутахассис кадрларнинг ташаббускорлиги, металлургларнинг фидойилик билан иш юритиши меҳнат самарадорлигини оширибгина қолмай, ишлаб чиқаришни ўстиришга, янги лойиҳаларни ишга туширишга олиб келди. Бу даврда бир нечта янги инвестициявий лойиҳалар ишга туширилди ва натижада катта иқтисодий ўсишга эришилди.



Ўзбекистон металлургия комбинатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозорида ҳам ўз ўрнига эга. Давлат улушининг ишончли бошқарувчиси бўлган “SFI Management Group” компанияси корхона билан якдилликда бу ўринни сақлаб қолиш ва уни ҳар томонлама кенгайтириш йўлида салмоқли ишларни амалга ошираётир. Хорижий ҳамкорлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқалар янги уфқлар сари чорламоқда. Шу асосда 2018 йилдан 2022 йилгача амалга оширилиши кўзланган 474, 5 миллион АҚШ долларидан кўп миқдорда 13 та инвестицион лойиҳа ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши тезлашиб бораётир.

Шулардан бири — Қуюв-прокат мажмуасини қуриш лойиҳасининг металлургия саноати учун аҳамияти катта. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорлари асосида рўёбга чиқарилаётган лойиҳа асосида Қуюв-прокат мажмуаси ишга тушгач, 1,04 миллион тонна иссиқ ҳолатда прокатланган лист ўрамлари ишлаб чиқарилади. Унинг 540,0 минг тоннаси Тошкент металлургия заводига, 292 минг тоннаси ички бозорга, 208,0 минг тоннаси экспортга жўнатилади. 1 250 нафар маҳаллий ёш иш билан таъминланади. Умумий қиймати 658,8 миллион еврони ташкил қилувчи мажмуага ускуналар Италиянинг “Danieli” компанияси, лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж, асбоб-ускуналарни ўрнатиш ва синов-созлаш ишларини амалга ошириш ишлари Россиянинг “Renaissanse Heavy Industries” компанияси томонидан амалга оширилмоқда.

Саноат гиганти ички ва ташқи бозорни кенг ассортиментдаги арматуралар, угольниклар, золдирлар, шунингдек, бошқа пўлат маҳсулотлар, сирланган пўлат идишлар, пайвандлаш электродлари, михлар, мис ҳамда мис қуймалари каби маҳсулотлар билан таъминламоқда. Корхона Италия, Швейцария, Германия, АҚШ давлатларида ишлаб чиқарилган қурилмалар билан жиҳозланган. Корхонанинг мис ва рух қотишмасидан тайёрланган ленталар электротехника ҳамда электроникада, машина ва қурилмаларда, транспорт машинасозлиги, қурилиш ҳамда истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган рангли металл маҳсулотлари ўз харидорларига эга.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизнинг йирик саноат субъектидаги қизғин меҳнат жараёни эътирофга лойиқ. Амалга оширилаётган янги лойиҳалар эса нафақат корхона барқарорлигига, балки иқтисодиётимиз равнақига ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

---

**Имконият**

*Бугунги кунда дунёда кўплаб инновацион марказлар мавжудки, уларнинг асосий мақсади илм-фан ва ишлаб чиқаришни иложи борича уйғунлаштиришдан иборат. Улар, асосан, илм талаб қиладиган маҳсулотлар бозорини ривожлантириш ҳамда илмий тадқиқотларни тижоратлаштиришни кўзлаган ҳолда фаолият юритади.*

# ИЛМ-ФАН НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон ўз тараққиётининг асосий мезони сифатида инновацион ривожланиш стратегиясини танлади. Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил қилиниши бу йўналишдаги дастлабки қадамлардан бири бўлганини алоҳида эътироф этмоқ жоиз.

Инновациялар замонавий иқтисодиётда узоқ муддатли рақобатбардошликни таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади. Айни пайтда дунёнинг барча иқтисодий ривожланган мамлакати миллий иқтисодиётида инновацион фаолият муҳим ўрин тутмоқда. Илм-фан натижаларини тижоратлаштириш инновацион фаолиятнинг ўзаги ҳисобланади.

Айни шу мақсадда Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази ташкил қилинди. Марказ фаолиятининг асосий йўналиши ҳам илм-фан натижаларини тижоратлаштиришдан иборат бўлиб, мақсад — юртимиз илмий салоҳиятини иқтисодиётнинг самарали ривожланишига хизмат қилувчи ягона механизм ишлаб чиқишга йўналтиришдир.

Инновациялар учун асосий замин олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари ҳисобланади. Айнан ушбу марказларда инновациялар пайдо бўлади ва амалиётга жорий этилади. (Бир мисол, АҚШнинг Массачусетс технологиялар институтида ҳар йили ўртача 150 га яқин инновацион компаниялар яратилади).

Ўзбекистонда 2018 йилгача бўлган даврда олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида илм-фан натижаларини тижоратлаштиришга қаратилган яхлит тизим мавжуд эмас ёхуд самарасиз тарзда йўлга қўйилган эди. Вазирлик ташкил этилгач, бу соҳада янгича ёндашув ишлаб чиқилди. Жумладан, олий таълим муассасаларида илмий ишлар бўйича проректор лавозими ўрнига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозимини жорий этиш, Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарларини бир вақтда тегишли йўналишдаги олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори лавозимларига тайинлаш амалиёти йўлга қўйилди. Бунинг самарасида илм-фан натижаларини тижоратлаштириш кўрсаткичи сезиларли даражада кўпайди. Хусусан, яқин йилларгача олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан натижаларини тижоратлаштириш мақсадида ташкил этилган компаниялар статистикаси юритилмаган бўлса, 2019-2020 йилларда бундай компаниялар 8 тага етказилди. Бу, албатта, ижобий кўрсаткич ҳисобланади. Ҳозир бу натижани янада яхшилаш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.

Республикамизда 37 мингдан ортиқ илмий тадқиқот ва тажриба олиб бораётган ходимлар бор. Олимларнинг изланишларини кўрсатиб берадиган биринчи талаб уларнинг илмий ишларини нашр этиш даражасига қараб белгиланади. Бунинг сабаби чоп қилинган мақолаларни илмий жамоатчилик ўқийди ва бу нарса дунё олимларининг илмий фаоллигини кўрсатувчи индикатор саналади.

Марказ томонидан йўлга қўйилган “Proofreading Service” хизмати мазкур масалада ёш олимларга кўмак бериб келмоқда. Хусусан, олимларимиз “Scopus” базасида 2017-2018 йилларда 1121 та, 2019-2020 йилларда эса 2601 та чиқиш қилди. Айтиш керакки, бундай кўрсаткичларни янада яхшилаш имкони мавжуд.

Халқаро кўргазмалар инновацион салоҳиятни дунё майдонида намойиш этишнинг яна бир самарали усули саналади. Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркалари доирасида 2016 ва 2017 йилларда 8 млн. АҚШ долларига тенг шартномалар имзоланган бўлса, 2018 ва 2019 йилларда “InnoWeek.Uz” халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида ташкил этилган тадбирларда жами 330 млн. АҚШ долларига тенг инвестиция шартномалари имзоланди.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, технологиялар трансфери инновацион фаолиятнинг асосларидан бири ҳисобланади. Шу мақсадда олиб борилган амалий ҳаракатлар натижасида 2019 йилда Ўзбекистон Осиё ва Тинч океани ҳудуди бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссиясининг Осиё — Тинч океани технологиялар трансфери маркази (ОТТТМ) аъзолигига қабул қилинди.

Албатта, дунёда коронавирус пандемияси туфайли кузатилаётган эпидемиологик вазият аввалдан белгиланган режаларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Аммо марказ фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошлаган амалий ҳаракатларини изчил давом эттиради ва бу орқали юртимизнинг инновацион салоҳиятини оширишга ўз ҳиссасини қўшади.

**Шаҳобиддин ШАРИФОВ,**
**Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий маркази директори.**

---

## «Ақлли сув» тизими:

# УНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАСИ ҚАНДАЙ?



*Инсоният XXI асрда жуда кўп муаммолар билан юзма-юз бўлмоқда, ана шундай глобал масалалардан бири — сув муаммосидир. Она сайёрамиз аҳолиси сони йилдан-йилга ошиб борар экан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қурғоқчилик ва ерлар чўлланишининг олдини олиш сингари оғриқли муаммолар жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда.*

**Инновация**

Мамлакатимизда сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларини замонавий мезонлар асосида ривожлантириш бўйича ҳаётбахш дастурлар амалга киритилаётгани эътиборга молик. Яқинда Президентимиз томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар эртанги кун истиқболини таъминлашида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида эътироф этилган эди.

2020 йили Фарғона вилоятида 7,5 минг гектар, 2021 йили эса 30,2 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш режалаштирилган. Шу йилнинг якунига қадар 38,4 минг гектар майдоннинг сув таъминоти ҳамда 52,9 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, 7 та сув иншоотида сув ҳисобини юритиш, 305 та насос станцияси ва тик қудуқларда электр энергияси истеъмолининг автоматлашган назорат тизимини йўлга қўйиш ҳамда ирригация тармоқларида бир қатор таъмирлаш ишлари кўзда тутилмоқда.

Инновацион ғоялар амалиётга кенг татбиқ этилиши натижасида вилоятда томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш усулларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини 40 — 50 фоизгача иқтисод қилиш ҳамда ҳосилдорликни 15 — 20 центнергача ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Шу мақсадда 170 дона насос станцияси, 2 141 та тик қудуқни онлайн режимида бошқариш, 2 547 та иншоотни рақамли технологиялар ёрдамида назорат қилиш тизими жорий этилади. Умуман, бу борада, яъни “ақлли сув” тизимини амалиётга йўналтириш бўйича Фарғона туманини намунавий туманга айлантириш мақсад қилинган.

Фарғона туманидаги “Чимён Шуҳрати” фермер хўжалигининг 20 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланиш учун 320 миллион сўм кредит маблағи сарфланди. Сув таъминоти оғирлиги учун илгари ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилдорлик 17 — 20 центнерни ташкил этган бўлса, бу йил ҳосилдорлик 60 центнерга етказилди.

2021 йилда бу йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида Фарғона шаҳрида “Фергана агродрип” МЧЖ томонидан томчилатиб суғориш тизимининг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Соҳага илм-фан ютуқлари ва “ноу-хау”лар жорий этилиб, келгуси йили вилоятда 20 минг гектар майдонни лазерли қурилмалар ёрдамида текислаш белгиланган, — дейди “Сирдарё-Сўх” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Алломжон Фозилов. — Бу йил Ёзёвон туманидаги “Ёзёвон” ва “Толқудуққум” насос станциялари, кейинги йили вилоятдаги 50 га яқин сув хўжалиги объектлари давлат-хусусий шериклик тамойили асосида ривожлантирилади.

Янги тизимда 21 тик қудуқни ишлатишга 1 нафар мутахассис бириктирилиб, илгари бир соатда ўчириб-ёқилган қурилмалар энди атиги 2 дақиқада ишга туширилади. Кучли ёмғир, шамол ёки авария ҳолатларида 200 дона қудуқни марказий диспетчерлик пункти орқали онлайн режимда бир маротаба ўчириш натижасида 72,5 минг кВт электр энергия, 33 миллион сўм маблағ иқтисод қилинади.

Халқимизда “Ер — хазина, сув — гавҳар” деган ҳикматли ибора бежиз айтилмаган. Шу боис Фарғона вилоятида мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тежамкор технологиялар жорий этиш, сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш бугунги куннинг энг устувор вазифаларидан бири эканлигини асло унутмаслик зарур.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

# БАХМАЛДА ЗАЪФАРОН ЎСИМЛИГИ ЕТИШТИРИЛАДИ

*Жиззах вилоятининг Бахмал туманида “BMB-OPERA ZAFFERANO” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси томонидан заъфарон экишга киришилди. Бунинг учун корхонага Италиянинг Брешиа шаҳридан махсус юк машиналарида 5 миллионта юқори навли заъфарон пиёзбошлари келтирилди.*

**Изланиш**

Давлатимиз раҳбари томонидан доривор ўсимликлар кластерларини ташкил этиш бўйича белгилаб берилган вазифалар асосида Ўзбекистоннинг “BMB TRADE GROUP” ва Италиянинг “OPERA SRL” компаниялари ҳамкорлигида таъсис этилган ушбу қўшма корхона доривор ўсимликлар етиштириш, қайта ишлаш, сотиш кластери сифатида фаолият кўрсатади. Қўшма корхона томонидан Бахмалда умумий қиймати 25 миллион евро миқдоридаги заъфарон етиштириш ҳамда қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Шартнома шартларига кўра, италиялик ҳамкорлар экиладиган уруғлик материалнинг дастлабки қисми, яъни 5 миллион дона заъфарон пиёзбошисини белгиланган муддатда Ўзбекистонга етказиб келди, унинг умумий ҳажми 64,5 тоннани ташкил этди. Яқинда Италиядан кейинги партия — 75 миллион заъфарон пиёзбоши олиб келиниши кутилмоқда.

Айни пайтда туманнинг Узунбулоқ қишлоғида қўшма корхонага ажратилган ер майдонида экиш ишлари бошлаб юборилди. Шу муносабат билан заъфарон экиш технологиясини ўргатишга бағишланган кўргазмали семинар ҳам ташкил этилди. “BMB-OPERA ZAFFERANO” қўшма корхонаси жамоаси, хорижий ва маҳаллий малакали агроном, технологлар ерни экишга тайёрлаш, заъфарон туганак пиёзларини қандай экишни амалда кўрсатиб берди.

Мазкур лойиҳанинг афзаллиги шундаки, кейинги йилдан заъфарон қайта ишланиб, қадоқланган ҳолда Италиянинг “GEOS GROUP” холдинг таркибидаги “GESFARM” компаниясига етказилади. Шу мақсадда мазкур компания билан 12 миллион евро миқдорида олдиндан шартнома имзоланган.

**Толибжон ЭРГАШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

## Туркия матбуоти:

# «УШБУ НУТҚ, ҲАҚИҚАТАН ҲАМ, ТАРИХИЙ ХИТОБ ЭДИ»

1 Ушбу қарор аслида 2016 йилда Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида сайланганидан кейин олдинга қўйилган “Янги Ўзбекистон” шиорининг узвий давоми дейиш мумкин”, дейди эксперт.

Унинг таъкидлашича, нутқда келтирилган Ўзбекистонда камбағаллик ва коррупцияга қарши кураш бўйича амалга оширилаётган ишлар, демократик ўзгаришлар ва ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучайиб бораётгани хусусидаги маълумотлар, айниқса, эътиборга моликдир.

Профессор ушбу саъй-ҳаракатларнинг муҳимлигини эътироф этар экан, охирги бир неча йил ичида амалга оширилган ислоҳотлар Ўзбекистонни хорижий инвестициялар учун муҳим мамлакатга айлантирганини таъкидлади.

“Умуман олганда, барча таклиф ва ташаббуслар Марказий Осиё минтақаси келажаги учун умид беради. Ўзбекистон бу салоҳияти ва янги кучи билан Туркий кенгаш ривожига алоҳида ҳисса қўшади”, дейилади мақола сўнгида.

Туркия ишбилармонларининг интернет нашри — **www.egedesonsaniye.com**да Ўзбекистоннинг Бурса шаҳридаги фахрий консули, “Baktat Zeytin San. Tic. A.S.” ширкати бошқаруви кенгаши раиси Али Бакланнинг **“Ш. Мирзиёевнинг БМТдаги нутқи: тарихий хитоб”** сарлавҳали мақоласи босилди.

“Ушбу нутқ, ҳақиқатан ҳам, тарихий хитоб эди. БМТ минбарида илк бор ўзбек тили янгради. Албатта, авваллари ҳам нутқлар сўзланган, аммо давлат тилида эмасди. Бугунгиси бизнинг турк тилига қардош бўлган тил — ўзбекчадаги бир мурожаат эди.

Президент Мирзиёев жуда муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари сурди. Пандемия шароитидаги халқаро ҳамкорлик, ёшлар масалалари, Афғонистон муаммоси, қашшоқликка ҳамда терроризмга қарши курашиш, экология, халқаро транспорт масалалари, парламентларнинг фаолиятини кучайтириш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва маданий мавзуларга тўхталиб ўтилди. Масалан, Шавкат Мирзиёев Афғонистонда янги бир ҳамкорлик формати — БМТ ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатувчи қўмита тузишни таклиф этди.

Марказий Осиёнинг кўп йиллик дарди бўлган Афғонистондаги масалаларни мунтазам кун тартибида ушлаб туриш, улар учун ўз вақтида ечимлар топиш жиҳатидан ушбу таклифни жуда ўринли, деб биламан. Мирзиёевнинг яна бир ташаббуси Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш кунини нишонлаш билан боғлиқ. Албатта, Орол денгизи фожиасини бошидан кечирган мамлакат сифатида Ўзбекистоннинг бундай таклифи табиийдир. Табиатни, экологик тизимларни асраш қанчалик муҳимлигини ўзбеклардек чуқур англаган миллат бўлмаса керак.

Ўзбекистон ушбу масалага халқаро жамоатчиликнинг эътиборини қаратяпти, сабоқ олишга чорлаётир. Ўзбекистон Президенти ўз нутқида Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилишни таклиф этди.

...Ўзбекистон раҳбарининг нутқидаги муҳим жиҳатлардан яна бири расмий Тошкентнинг қўшни давлатлар билан алоқаларига оид сиёсати ва муносабати ҳақида бўлди. Қўшни республикалар билан алоқалардаги очиқ ҳамда конструктив позиция минтақада, ҳақиқатан, янги муҳитни шакллантирди.

Қисқаси, Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи аввалидан то охирига қадар тинчликпарварлик, адолат ва бунёдкорлик ғояларини улуғловчи руҳда бўлди. Бинобарин, унда замонамизнинг мавжуд муаммоларига қаратилган конструктив, аниқ ва актуал таклифлар жой эгаллаган”, дейди Али Баклан.

**Шавкат ОРТИҚОВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

---

# ҚАДРИ ҚАДДИДАН БАЛАНД УСТА

*Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари мавжуд. Андижон вилоятининг Шаҳрихон тумани ҳам қадри баланд ҳунармандлари билан танилган. Айниқса, темирчилик соҳасида илдиз отган анъаналар неча йилки, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келмоқда. Бу борада устазода пичоқчи Раҳматхўжа Алихўжаевнинг ҳам улкан ҳиссаси бор.*

**Ҳунармандчилик**

Раҳматхўжа аканинг ҳикоя қилишича, ушбу сулоланинг асосчиси Исломхўжа бобо асли марғилонлик бўлган. 1800 йилларда Қўқон хони Амир Умархоннинг турмуш ўртоғи Нодирабегим Андижонга сафари чоғида ҳайхотдек манзиллар ўзлаштирилмай турганлигидан афсусланади. Бу ҳақда хон билан маслаҳатлашиб, ўша манзиллар томон сой оқизишни таклиф этади. Шу тариқа Амир Умархон буйруғи билан Андижон шаҳридан Қўқон шаҳри томон юришда бир манзилга сой қазилиб, бу ерда шаҳар бунёдкорлигига асос солинади ва у “Шаҳрихон”, яъни “Хонлар шаҳри” номи билан атала бошланади.

Аёнки, ҳар бир шаҳарда инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган шароитлар бўлмоғи керак. Жумладан, Шаҳрихонга ҳам одам зоти учун неки зарур бўлса, барчасини тахт қилгувчи ҳунармандлар олиб келинади. Ўша пайтда бу соҳада анча тараққий топган Марғилон эли ҳунармандлар манзили эди. Амир Умархон улар орасидан иқтидорлиларини танлаб олиб, Шаҳрихонда қўним топишлари учун шароит яратиб беради. Шу тариқа янги масканда ҳунармандлар маҳаллалари бунёд бўлади. Бу маҳаллалар уларнинг амалга оширган ишлари билан аталган. Натижада “Темирчи”, “Пичоқчи”, “Кўнчи”, “Ошпаз”, “Сартарош”, “Тўнчи” каби ҳудудлар пайдо бўлган.

— Тасаввур қилинг, инсон дунёга ҳеч нимасиз келади, — дейди ҳунарманд Раҳматхўжа ака Алихўжаев. — Унга инсон қиёфасини киргизиш учун аввал мато тўқувчи керак, ўшал матодан кўйлак тикиш учун чевар керак. Бошга дўппи тикадиган дўппидўзу пойабзал тикувчигача — ҳаммаси мана шу инсон учун хизмат қилади. Умархон Шаҳрихонга ҳунарманд танлашда масаланинг шу жиҳатига эътибор қаратган ва бу ерда барча касб-кор эгалари жамулжам бўлади. Марғилондан ёлланган ҳунармандлар орасида менинг бобом Исломхўжа ҳам бор эди. Улар Шаҳрихонда пичоқчиликка асос солган. Ёнига фарзандларини, шогирдларини олиб, халқ хизматига киришган. Орадан шунча йиллар ўтди. Бобомиз бошлаб берган анъанани бугунги кунга келиб еттинчи авлод давом эттирмоқда.

Мақоламиз қаҳрамони эсини танибдики, сандон ва ўчоқ атрофидан кетмайди. Шу боис отасининг ҳар бир ҳаракати унинг хотирасига муҳрланган. Қўлига болға олиб, пичоқчилик сир-синоатларини ўзлаштира бошлаганида 14 ёшда эди. Мустақил тарзда илк маҳсулотини яратгунига қадар яна 14 йил ҳунар ўзлаштиришига тўғри келди.

— Юртимизнинг бир нечта ҳудудида пичоқчилик ҳунари кенг ривожланган, — дея суҳбатни давом эттиради уста. — Уларнинг ҳар бири ўз хусусиятига эга. Мисол учун, Шаҳрихон пичоқлари енгиллиги ва ўткирлиги билан ажралиб туради. Қолаверса, унга берилган ишловлар бетакрордир.

Раҳматхўжа ака нафақат Шаҳрихон пичоқлари шаклланишига, балки республикамиз ҳунармандчилиги тараққиётига ҳисса қўшиб келмоқда. У яратган санъат асарлари (дарвоқе, уста яратган пичоқлар хўжалик қуроли эмас, санъат асари даражасидаги аҳамиятга молик) ўнлаб хорижий давлатлардаги кўргазмаларда намойиш этилган. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳунармандларга яратилган шароит, мавжуд имкониятлар Раҳматхўжа ака фаолиятида янги босқични бошлаб берди. Натижада 1995 йили ЮНЕСКО ташкилотининг 50 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган халқаро ҳунармандлар кўргазмасида иштирок этди. 2003 йили Францияда бўлиб ўтган “Сифат белгиси” халқаро кўргазмасида 166 та давлат вакиллари орасидан унинг фаолиятига юқори баҳо берилиб, 1-даражали диплом ва “Олтин кубок” билан тақдирланган.

Раҳматхўжа Алихўжаев ўзи истиқомат қилаётган хонадонда устахона ташкил этган. Шу ерда мўъжазгина музей ҳам барпо қилган. Ҳар йили 100 дан ортиқ сайёҳлар унинг уйига ташриф буюриб, сулола тарихи ва фаолияти билан танишади.

— Президентимизнинг “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда ҳунармандлар фаолиятига кенг йўл очмоқда, — дейди Раҳматхўжа ака. — Бугунги кунга келиб, даромад солиғи ва божхона тўловларидан озод этилганмиз. Фаолиятимизни мувофиқлаштириб турувчи “Ҳунарманд” уюшмаси ташкил этилди. Устахона очиш, савдо қилиш учун шароитлар яратилди. Имтиёзли кредитлар билан таъминланмоқдамиз. Буларнинг барчаси юртимизда ҳунармандчилик тараққиётига бошлаб борувчи йўллар дарвозасини ланг очди.

Эшон ака (уни Андижонда барча шу ном билан атайди) айни пайтда уч ўғли ва 50 нафар шогирди билан пичоқчиликнинг 43 та йўналишини шакллантириб келмоқда. Амалга ошираётган, эришган ютуқлари нафақат халқимиз ардоғида, сайёҳлар эътиборида, балки ҳукуматимиз томонидан кенг эътироф этилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг шу йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига биноан “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди.

“Меҳнат инсонни улуғлайди”, деган мақол бежиз айтилмаган. Мурғак қалбимиз билан ақлидрокимизга муҳрланган ушбу пурмаъно нақлнинг нечоғли ҳақиқат эканлигига бугун Раҳматхўжа Алихўжаев мисолида яна бир бор гувоҳ бўлдик.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ КЛАСТЕРЛАРИ

## ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ЎҚИТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Мамлакатимизда олий таълим тизимини халқаро миқёсда ривожлантириш, унинг сифатини ошириш ва ўқитишнинг замонавий стандартларини жорий этиш бўйича кенг кўламли чоралар кўрилмоқда.*

*Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, махсус дастур қабул қилиниб, унга кўра 2017 — 2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш учун 1,7 триллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Шунингдек, 2019 йилнинг 8 октябрида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатларда белгиланган асосий мақсад юртимизда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, ўқув дастурларининг мазмунини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни халқаро стандартлар даражасига яқинлаштиришдан иборат.*



### Нуқтаи назар

Олий таълимнинг ривожланиши ва интеграцияси кучайиши замонавий глобал тенденцияларга боғлиқ бўлиб, у мамлакатимизда олий ўқув юртлари битирувчиларини тайёрлаш сифатини жаҳон талабларига мослаштиришни тақозо этади. Шу сабабли замоннинг янги воқеликларига мос келадиган ҳамда меҳнат бозорининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондирадиган янги таълим тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 6 август куни жорий йилда олий таълим муассасаларига қабулни ташкил қилиш ва 2020/2021 ўқув йилига тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан ўтказган йиғилишда “Тараққий этган давлатлар тажрибаси таълим даргоҳларини замон талабларига мослаштирмасдан илмий ва технологик ютуқларга эришиш қийин бўлишини кўрсатмоқда”, деб алоҳида таъкидлади.

Шу сабабдан жорий йилда нуфузли хорижий университетлар билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг камида 5 та олий таълим муассасаси трансформация қилинади. Бунда, асосан, тузилма ва ўқитиш технологиялари такомиллаштирилади, натижада улар замонавий таълим берадиган ҳамда инновацияларни жорий қиладиган илмий даргоҳга айлантирилади.

Ушбу мақсадга эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун ривожланган давлатларнинг ўқув ҳамда инновацион марказлари бўлган университетлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, Ғарбнинг етакчи университетлари таълим хизматларини тақдим этиш билан бир қаторда, “бизнес жараёни” соҳасида ҳам илмий, ҳам амалий характердаги тадқиқотлар билан шуғулланадиган йирик илмий марказлар ҳисобланади.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, кўплаб мамлакатлар барқарор ривожланишнинг янги даражага кўтарилиши ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган асос, бу — таълим, фан ҳамда инновациядир.

Иқтисодиётнинг янги сифат ҳолатига ўтиши таълим, фан ва кадрлар тайёрлаш тизимидаги туб ўзгаришларни талаб этади ҳамда уларнинг чуқур интеграциясини таъминлаш билан бевосита алоқадордир. Таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатлар самарали таълим тизими орқали ялпи ички маҳсулотнинг 40 фоизини олади. Мутахассислар фикрига кўра, таълим тизимида қилинган 1 доллар харажат 3 — 6 доллар фойда келтиради. Шу билан бирга, мамлакатда инновацион фаолиятнинг ривожланиши тўғридан-тўғри фундаментал ва амалий фанларнинг ҳолати ҳамда илмий-техник ишланмаларнинг тижорат эҳтиёжига боғлиқдир.

> *“Кўплаб мамлакатлар барқарор ривожланишнинг янги даражага кўтарилиши ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган асос, бу — таълим, фан ҳамда инновациядир.”*

Бугунги кунда энг қиммат нарса, бу — инновацион ечимлар ҳамда технологияларни ишлаб чиқишда билимлардан фойдаланиш қобилияти. Бунинг учун янги усуллар, ўқитишнинг янги шакллари, янги мутахассислар керак. Биз келажакда юқори технологияли ва илмий-интенсив ишлаб чиқариш учун кадрлар захирасини шакллантиришимиз лозим. Инновацион таълим тизими ҳамда кенг миқёсда ижодий фикрлайдиган менежерларсиз янги иқтисодиётни ярата олмаймиз. Шу билан бирга, устуворлик қуйидагича бўлиши керак: биринчиси — таълим, иккинчиси — фан, учинчиси — инновацион иқтисодиёт.

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатлар миллий бойлигининг 5 фоизи табиий ресурслар, 18 фоизи ишлаб чиқарилган капитал, 77 фоизи билим ва улардан самарали фойдаланиш қобилияти орқали намоён бўлмоқда. Юксалиш жараёнларида ишчи кучининг сифати, инсон капитали ҳамда уни ривожлантириш, улардан самарали фойдаланиш кучи муҳим роль ўйнайди.

Мамлакатлар ва минтақаларнинг инновацион тараққиётида минтақадаги касб-ҳунар таълими, фан ҳамда маданият интеграторлари мақомини бажарадиган давлат классик университетлари алоҳида ўрин тутади. Бу минтақа ягона таълим маконининг марказида жойлашган университет бўлиб, у нафақат таълим бериш вазифасини бажаради, балки минтақанинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш ва унинг иқтисодиёти ривожланишига таъсир кўрсатадиган муҳим ижтимоий институт — инновацион кластерлар сифатида хизмат қилади.

Хориждаги бундай ўқув ҳамда инновацион кластерлар мамлакатнинг халқаро таълим хизматлари бозоридаги иштирокини қўллаб-қувватлаш учун ҳам яратилган (ЖСТ маълумотларига кўра, 70 фоиз давлатларда). Америка Қўшма Штатлари ушбу бозорда барқарор пешқадам бўлиб, мазкур мамлакатда энг рақобатбардош таълим ва инновацион кластерлар жойлашган (Калифорния, Нью-Йорк, Массачусетс, Пенсильвания, Нью-Жерси ҳамда АҚШнинг бошқа ҳудудларида).

Сўнгги йилларда Сингапур, Хитой, Венгрия, Польша, Чехия ва бошқа мамлакатларда таълим ҳамда инновацион кластерлар босқичма-босқич шакллантирилмоқда.

Европа Иттифоқи ҳудудида турлича инновацион ривожланишга, экспорт ҳажми, даромад ва бошқа хусусиятларга эга бўлган 69 та таълим кластери мавжуд. Энг ривожланган таълим кластерлари Европанинг Оксфорд, Варшава, Амстердам, Лондон ҳамда Париж шаҳарларида жойлашган.

Таълим ва инновацион кластер нима, унинг самарадорлиги ҳамда афзалликлари нимада?

Таълим кластери, бу — таълим, ўзаро алоқа ҳамда ўз-ўзини ўқитиш тизимидир. У, асосан, горизонтал йўналишларга асосланган инновацион “занжир”дир: таълим — технология — ишлаб чиқариш. Бу кўп босқичли ўқитиш “занжири” ҳисобланади.

Бўлажак мутахассислар таълим муассасаси ва иш берувчи корхонанинг уйғунлиги асосида тайёрланади. Шу билан бирга, корхоналарда сифатни яхшилаш, ўқув вақтини қисқартириш ҳамда битирувчиларни ишлаб чиқаришга бириктириш талаблари таъминланади. Ишлаб чиқаришнинг жорий ва прогноз талабларини ҳисобга олган ҳолда корхоналар учун мутахассисларнинг малакасини ошириш тизими яратилади.

Шу ўринда айтиш жоиз, кластерлар ҳамда кластерли ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Биринчи навбатда, инновацион таълимга бўлган ёндашувнинг кластерли хусусияти ва ўқув кластерлари инновацион таълимни ташкил этиш жараёнида шаклланади. Ташкилотнинг кластер шакли ялпи инновацион маҳсулотни яратишга ҳамда зарур профессионал кўникмаларга эга юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга олиб келади. Таълим кластерлари концепцияси бошланғич ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини, ихтисослаштирилган мактабларни, базавий корхоналарни, йирик университетларнинг истеъмолчилари ҳамда тармоқ университети атрофида мутахассисларни бирлаштиришдан иборат.

Илмий ва ўқув кластери мактабдан ишлаб чиқаришга қадар узлуксиз таълимнинг ягона тизимидир. Таълим ҳамда инновацион кластернинг афзалликлари фаннинг сифати, узлуксизлик, мавжудлилик, таълимнинг рақобатдошлигидадир.

Таълим кластерлари ўқув жараёнини самарали ташкил қилишнинг қуйидаги муҳим шаклларини ўзида ифода этади:

*биринчидан,* кадрларни талаб қилинадиган мутахассисликлар бўйича аниқлаш ва ўқитиш;

*иккинчидан,* ўқув-услубий мажмуа таркибини тузиш ва ўз вақтида янгилаш, моддий-техника базасини яратиш;

*учинчидан,* илмий тадқиқот ҳамда ишланмаларни мақсадли молиялаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;

*тўртинчидан,* меҳнат бозорида кадрлар рақобатбардошлигини таъминлаш.

Ушбу жараёнда бизнес ўзини баркамол, юқори малакали кадрлар билан таъминлайди, давлат ижтимоий-иқтисодий, инновацион ривожланишга эришади.

Таълим кластери шакллантирилиши натижасида таълим самарадорлиги ва сифати ошади, иш берувчиларнинг талабига биноан юқори малакали кадрлар тайёрланади ҳамда улардан самарали фойдаланилади. Таълим, иқтисодий, ижтимоий ва технологик характердаги йирик дастурлар ҳамда лойиҳалар ишлаб чиқилади, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни фаоллаштириш, шунингдек, уларни амалга ошириш учун шароит яратилади. Таълим, фан, маданият, технология ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда интеллектуал, моддий ва ахборот ресурслари самарадорлиги ошади.

Таълим кластерида таълим муассасалари, иш берувчилар ҳамда ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳамкорлиги асосида илмий, ўқув, ишлаб чиқариш, ресурс, инфратузилма потенциалидан биргаликда фойдаланиш, маъмурий ресурсларни жалб қилиш, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиш имконияти пайдо бўлади.

Шундай қилиб, таълим кластерини шакллантиришда таълим бозори ва меҳнат бозорининг ўзаро таъсири билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳал этилмоқда. Аввало, буюртма бериш механизми яратиляпти, яъни жамиятдан, жумладан, бизнесдан келиб чиқадиган талабларнинг аниқ шаклланиши мавжуд. Бизнес макро ҳамда микро даражада ижобий тенденцияларда акс этадиган инсон капиталига сармоя киритишнинг муҳимлигини англаб етади. Талабанинг ижтимоий ҳаракатчанлиги ўқув кластерининг субъекти сифатида ошади. Тадбиркорлик секторида янги хўжалик субъектлари пайдо бўлади.

Таълим кластери тармоқлараро ва идоралараро хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўз таркибига қуйидаги муассасаларнинг киритилишини тақозо этади:

— тегишли иқтисодиёт тармоқлари ва таълимни бошқарувчи органлар;

— соҳага оид фаолиятга ихтисослаштирилган ўқув юртлари;

— иқтисодий фаолиятнинг ушбу соҳаларида асосий иш берувчилар бўлган “қўллаб-қувватловчи” ташкилотлар (тижорат тузилмалари);

— ихтисослаштирилган соҳаларда фаолият юритадиган нотижорат профессионал тузилмалар, касаба уюшмалари, уюшмалар;

— иқтисодиётнинг тегишли соҳаларини ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи тижорат ташкилотлари, жамғармалар ва бошқалар.

Таълим кластерини шакллантиришда унинг субъектлари ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор бериш керак. Структурада ахборот базаси кластер элементлари орасидаги ўзаро боғлиқликнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. У кластер субъектларининг ахборот базасига киришига қараб муайян миқдордаги ахборотни маълум каналларда тўплаш, ишлов бериш ва узатишга тизимли ёндашув асосида яратилади.

Минтақавий ўқув кластерини ташкил этиш тамойиллари унинг самарадорлиги ва ривожланишига катта ҳисса қўшади. Ушбу кластердаги ҳар бир субъект иқтисодий жиҳатдан мустақилдир, аммо у сифатли туристик маҳсулотни шакллантириш “занжири”да иштирок этади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлашни истардикки, республикамиз учун бугунги кунда инновацион таълим кластерларини яратиш жараёни маълум маънода бошланган. Мазкур жараёнда олий таълим тизими олдига қўйилган вазифаларни қисқа вақт ичида ҳал қилиш учун таълим стандартлари ҳамда дастурларни бирлаштириш борасида фаол ҳаракат қилишимиз керак. Илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига асосланган назария ҳамда амалиётни яқинлаштириш тарафдори бўлган талабалар — бўлажак соҳа мутахассислари шу йўл билан сифатли ва самарали тарзда ўқитилади.



Сурат “Халқ сўзи” фотожамламасидан олинди.

Шу билан бирга, янги стандартларни шакллантиришда жаҳондаги етакчи университетларнинг ўз битирувчилари компетенцияларини самарали шакллантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш, битирувчиларга мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда зарур даражадаги тайёргарликни таъминлашга имкон берадиган таълим дастурлари ва сифат кўрсаткичлари тизимини янада ривожлантириш зарур.

**Муҳиддин ПЎЛАТОВ,**
**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

ЭЪЛОНЛАР

## БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК ОЛИЙ МАКТАБИ МАГИСТРАТУРАСИГА
### 2020/2021 ўқув йили учун қабул эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби 2020/2021 ўқув йили учун қуйидаги магистратура мутахассисликлари бўйича тўлов-контракт асосида кундузги ҳамда сиртқи таълим шаклларига қабул эълон қилади:

- **Бизнес бошқаруви (Master of Business Administration — MBA)** — ўқиш муддати: 2 йил.
- **Лойиҳа бошқаруви** (Project Management) — ўқиш муддати: 1 йил.

Магистратурага кириш истагини билдирган номзодлар комиссияга веб-сайт орқали Олий мактаб директори номига қуйидаги ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат этади:

— давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектлари биринчи раҳбарларининг имзоси қўйилган тавсия хати;
— олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси;
— 4х6 см. ўлчамдаги рангли фотосурат;
— 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
— паспорт (имтиҳон вақтида асл нусхаси тақдим этилади);
— инглиз тилини билиш даражасини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ҳужжат (агар мавжуд бўлса).

Магистратурага кириш имтиҳонларидан (суҳбат ва тестдан) муваффақиятли ўтган номзодлар юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг аслини ёки уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларини олий мактабга тақдим этади.

**Номзодларга қўйиладиган талаблар:** олий маълумотга ва олий таълим муассасасини тамомлагандан кейин камида уч йил иш стажига эга 45 ёшгача бўлган (ўқитишнинг фақат кундузги шаклига) номзодлар суҳбат ва тест синовлари натижалари бўйича очиқ танлов асосида қабул қилинади.

Магистратурага кириш учун ҳужжат топшириш муддати (даври) — 2020 йилнинг 25 октябригача.

Қабул комиссиясининг ишлаш жадвали: душанба — жума кунлари, соат 9.00 дан 18.00 гача.

Ўқишга ҳужжат топшириш фақат электрон шаклда олий мактабнинг веб-сайти орқали ҳар куни 24 соат мобайнида амалга оширилади.

**Батафсил маълумот учун телефонлар:** 71-239-03-11, 71-239-03-03, 71-239-03-05.
**Веб-сайт:** https://rgsbm.uz
**Телеграм:** t.me/rgsbm_uz
**Фейсбук:** fb.com/rgsbm.uz

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 25-уй. Мўлжал: «PremierHall» кинотеатри.**

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ
### ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Педиатрия факультети бўйича:**
- Педиатрия кафедраси: доцент;
- Болалар асаб касалликлари кафедраси: доцент;
- Педиатрияда анестезиология ва интенсив терапия кафедраси: ассистент;
- Наркология ва ўсмирлар психопатологияси кафедраси: ассистент;
- Акушерлик, гинекология ва перинатал медицина кафедраси: ассистент;
- 2-Акушерлик ва гинекология кафедраси: ассистент.

**Хирургия факультети бўйича:**
- Травматология ва ортопедия кафедраси: кафедра мудири;
- Офтальмология кафедраси: доцент;
- Оториноларингология кафедраси: ассистент.

**Менежмент, ижтимоий ва бирламчи соғлиқни сақлаш факультети бўйича:**
- Умумий амалиёт врачлари малакасини ошириш кафедраси: ассистент;
- Нейрохирургия кафедраси: доцент;
- Тиббиёт техникаси ва инновацион технологиялар бўйича инженер-техник ходимлар кафедраси: катта ўқитувчи.

**Терапия факультети бўйича:**
- Функционал диагностика кафедраси: кафедра мудири;
- Фтизиатрия кафедраси: доцент;
- Кардиология ва геронтология кафедраси: ассистент;
- 1-Ички касалликлар кафедраси: доцент.

**Тиббий профилактика факультети бўйича:**
- Халқ табобати ва нейрореабилитация кафедраси: доцент;
- Болалик даври юқумли ва паразитар касалликлари кафедраси: кафедра мудири;
- Гигиена кафедраси: катта ўқитувчи;
- Клиник лаборатор диагностика кафедраси: катта ўқитувчи.

***Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел.: 71-267-60-74.***

Ушбу жойда Сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 30 702 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6